

**Г.В.ПЛЕХАНОВ НОМИДАГИ РОССИЯ ИҚТИСОДИЁТ
УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ТОШКЕНТ ФИЛИАЛИ
ҲУЗУРИДАГИ DSc.22/30.12.2019.1.100.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

УЛУҒМУРАДОВА НОДИРА БЕРДИМУРАДОВНА

**КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК
СОҲАСИДА МЕХНАТ МУНОСАБАТЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ
МЕХАНИЗМЛАРИ**

08.00.10 – Демография. Меҳнат иқтисодиёти

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по экономическим наукам**

**Content of of dissertation abstract of Doctor of philosophy (PhD)
on economical sciences**

Улуғмурадова Нодира Бердимуратовна

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида меҳнат муносабатларини
такомиллаштиришнинг иқтисодий механизмлари 5

Улуғмурадова Нодира Бердимуратовна

Экономические механизмы совершенствования трудовых отношений в
сфере малого бизнеса и частного предпринимательства.....27

Ulugmuradova Nodira Berdimuradovna

Economic mechanisms for improving labor relations in the field of small business
and private entrepreneurship.....51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....55

**Г.В.ПЛЕХАНОВ НОМИДАГИ РОССИЯ ИҚТИСОДИЁТ
УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ФИЛИАЛИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.22/30.12.2019.I.100.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

УЛУҒМУРАДОВА НОДИРА БЕРДИМУРАДОВНА

**КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК
СОҲАСИДА МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ
МЕХАНИЗМЛАРИ**

08.00.10 – Демография. Меҳнат иқтисодиёти

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори диссертацияси (PhD) мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2/PhD/Iqt745 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси (www.reu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим портали (www.ziyonet.uz)да жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Арабов Нурали Уралович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Хасанов Рустам Раббимович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Холмухамедов Муҳсинжон Муродуллаевич
иқтисодиёт фанлари номзоди

Етакчи ташкилот: Жиззах политехника институти

Диссертация ҳимояси 2020 йил “24” 10. да соат 10:00 да Г.В.Плеханов номидаги РИУ Тошкент филиали қошидаги илмий даражалар бериш бўйича DSc.22/30.12.2019.I.100.01 Илмий кенгаш йиғилишида бўлиб ўтади. Манзил: 100164, Тошкент ш., Шаҳриобод кўчаси, 3. Тел.: (99871) 262-43-50; факс: (99871) 262-43-60, E-mail: info@reu.uz.

Диссертация иши билан Г.В.Плеханов номидаги РИУ Тошкент филиалининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (3 - рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100164, Тошкент шаҳри, Шаҳриобод кўчаси, 3. Тел.: (99871) 262-43-50; факс: (99871) 262-43-60, E-mail: info@reu.uz.

Диссертация иши автореферати 2020 йил “12” 10. куни тарқатилди.
(2020 йил “12” 10. даги 3 - рақамли реестр баённомаси.)



Қ.Х. Абдурахмонов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, ЎЗР ФА академиги,
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

З.Г. Шакарров
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

З.Я. Худойбердиев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси,
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон мамлакатлари миллий иқтисодиёти таркибида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаларининг устувор аҳамият касб этиши ҳамда хўжалик фаолиятининг ижтимоийлашув жараёнларининг жадаллашуви замонавий ижтимоий-меҳнат муносабатлари ривожланишининг ўзига хос хусусияти ҳисобланади. Ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётида «кичик ва ўрта бизнес корхоналари умумий иш билан бандларнинг 60,0 фоизини ва ЯИМнинг 40,0 фоизини таъминламоқда. Агарда норасмий кичик ва ўрта бизнес корхоналари ҳисобга киритилса, бу рақамлар аҳамиятли даражада ошади. Яқин 15 йил ичида Осиё ва Африкада глобал ишчи кучининг ўсишини иш билан таъминлаш учун 600 млн. иш жойлари талаб этилади»¹.

Жаҳонда кичик ва хусусий бизнес соҳасини ривожлантириш борасидаги тажрибалар негизида ижтимоий-меҳнат муносабатлари тизимида кичик бизнес субъектларининг фаоллик даражасини баҳолаш, кичик бизнес субъектлари фаолиятини инвестициялаш ҳамда кредитлаш, иш жойларининг ижтимоий ва иқтисодий жихатдан мувофиқлигини таъминлаш, соҳада меҳнат фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш, ходимларнинг меҳнат натижаларидан манфаатдорлигини ошириш каби йўналишлардаги илмий муаммоларни тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда, айниқса, кейинги йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга, бу жараёнда соҳада ижтимоий-меҳнат муносабатларини замонавий талаблар асосида такомиллаштиришга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. «Жойлардаги ижтимоий муаммоларни ҳал этишга оид тадбиркорлик ташаббусларини, айниқса, ёшлар ва аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашга устувор аҳамият бериш зарур. Шу мақсадда аҳоли ва тадбиркорларга, микромолия хизматлари ва молиявий ресурсларга, давлат харидларига кенг йўл очиб берилди»². Бу борада меҳнат муносабатлари тизимида кичик бизнес субъектларининг фаоллик даражасини баҳолаш услубиётини такомиллаштириш, ижарага олинган меҳнатни тартибга солиш, соҳада ижтимоий-меҳнат муносабатларининг ахборот-аналитик базасини такомиллаштириш ва субъектлар фаолияти самарадорлигини оширишнинг прогноз параметрларини асослаш каби йўналишларни тадқиқ этиш долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2018 йил 22 январдаги ПФ-5308-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги фармонлари,

¹ <https://www.worldbank.org/en/topic/smefinance>

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил 24 январь. -<https://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020>

2017 йил 1 ноябрдаги ПҚ-3365-сон «Илмий-тадқиқот муассасаларининг инфратузилмасини янада мустаҳкамлаш ва инновацион фаолиятини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 14 июлдаги ПҚ-3856-сон «Аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишларни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 27 июндаги ПҚ-3777-сон «Хар бир оила – тадбиркор» дастурини амалга ошириш тўғрисида», 2019 йил 24 октябрдаги ПҚ-4498-сон «Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш давлат дастурлари доирасида амалга оширилаётган лойиҳаларни кредитлаш тартибини такомиллаштиришнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ижтимоий-меҳнат муносабатларининг илмий-методологик жиҳатлари кўплаб хорижлик олимлар³, жумладан, Ж.М.Кейнс, А.Маршалл, М.Фишер, Г.Э.Слезингер, Р.Д.Эренберг, А.Пигу, В.В.Адамчук, О.В.Ромашов, Ю.Г.Одегов, Г.Г.Руденко, Н.А.Волгин, Л.Чиждова ва бошқалар томонидан тадқиқ қилинган. Шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида меҳнат муносабатларини ривожлантиришнинг айрим назарий ва амалий жиҳатлари МДХ мамлакатлари иқтисодчи олимлари⁴: Б.М. Генкин, Н.А. Жданкин, А.М. Новиков, А.А. Разумов, М.А. Ягодкина, А.Я. Кибанов, Э.А. Меторфанова, И.А. Эсаулова, В.П. Григорьев, Д.П. Соловьев, В.И. Маслов ва бошқаларнинг илмий тадқиқотларида таҳлил қилинган.

³ Кейнс Дж.М. Общая теория занятости, процента и денег / Пер. с англ. проф. Н.Н.Любимова, под ред. д.э.н., проф. Л.П.Куракова. – М.: МИЭМП, 2010; Маршалл А. Принципы экономической науки/ А.Маршалл: В 3 т. - М.: Прогресс-Т.3. 1984. - 119 с.; Regional labor markets. Analitical contributions and cross-national comparisons. Ed. by. M.Fischer and P.Nijkamp. - Elsevier Science Publishing Co, 1987.-500 p.; Эренберг Р.Д., Смит Р.С. Современная экономика труда. Теория и государственная политика/ Пер. с англ. – М., 1996, 34-б.; Слезингер Г.Э. Труд в условиях рыночной экономики: учеб. пособие. – М.:ИНФРА-М, 1996.-336 с.; Пигу А. Экономическая теория благосостояния/ Пигу А.: В 2 т. - М.: Прогресс - Т.2- 1985. – 240 с.; Адамчук В.В., Ромашов О.В., Сорокина М.Е. Экономика и социология труда. Учебник для вузов. - М.: ЮПИТИ, 1999. - 407 с.; Одегов Ю.Г. и др. Рынок труда и социальное партнерство: Монография / Ю.Г.Одегов, Г.Г.Руденко, Н.Г.Митрофанов. – М.: Хронограф, 1998. - 240 с.; Волгин Н. Теоретические основы экономики труда и социальных отношений //Экономика и социальные отношения.–М.: РАГС, 1998.; Инновационная экономика: занятость, трудовая мотивация, эффективность труда / Л.С. Чиждова, Е.С. Садовая, В.В. Кузьмин и др. под ред. Л.С. Чиждовой Институт макроэкономических исследований. –М.: Экономика, 2011. -430 с.

⁴Генкин Б.М. Экономика и социология труда: учебник для ВУЗов. – М.: Норма, 2007; Жданкин Н.А. Мотивация персонала. Измерение и анализ. Учебно-практ. пособ. – М.: «Финпресс», 2010; Новиков А.М. Постиндустриальная обрзования. – М.: «Эгвест», 2008; Разумов А.А., Ягодкина М.А. Бедность в современной России. – М.: «Формула права», 2007; Управление трудовыми ресурсами: учебник / А.Я.Кибанов, Э.А.Метафанова, И.А.Эсаулова: под. ред. А.Я.Кибанова. – М.: ИНФРА-М, 2010; Григорьев В.П., Соловьев Д.П. Управление персоналом: процессный подход: учебное пособие. – Самара: Самарская государственная экономическая академия, 2005; Маслов В.И. Стратегическое управление персоналом в условиях эффективной организационной культуре. – М.: Финпресс, 2004.

Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда ижтимоий-меҳнат муносабатларининг назарий ва амалий муаммолари бўйича республикамиз иқтисодчи олимлари⁵: Р.А.Убайдуллаева, Қ.Х.Абдурахмонов, Н.К.Зокирова, Н.Х.Рахимова, К.С.Саидов, Б.Х.Умурзиков, З.Я.Худайбердиев, Ш.Р.Холмўминов, Н.У.Арабов, Г.Қ.Абдурахмонова ва бошқалар томонидан илмий изланишлар олиб борилган.

Ушбу иқтисодчи олимларнинг илмий асарларида республикамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида ижтимоий-меҳнат муносабатлари ривожланишининг илмий-услубий ва амалий жиҳатлари қисман ўз аксини топган. Бугунги воқелик нуқтаи назаридан Ўзбекистонда ижтимоий-меҳнат муносабатларида кичик бизнес субъектларининг фаоллик даражасини баҳолаш, соҳада меҳнатнинг характери ва унинг самарадорлигини баҳолаш услубларини такомиллаштириш билан боғлиқ тадқиқотларнинг етарли даражада эмаслиги мазкур мавзуда чуқур илмий-услубий изланишларни амалга оширишни тақозо этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот Самарқанд давлат университети ва Тошкент давлат иқтисодиёт университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Илмий тадқиқот фаолиятини ривожлантириш ва илмий салоҳиятини оширишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар дастури» ҳамда ПЗ-20170928644 - «Ўзбекистон қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш муаммолари» (2018-2020) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида меҳнат муносабатлари ривожланишининг иқтисодий механизмининг такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

«ижтимоий меҳнат», «меҳнат муносабатлари» категорияларининг моҳиятини назарий жиҳатдан таҳлил этиш ҳамда уларнинг такомиллашган таърифларини шакллантириш;

меҳнат муносабатларида кичик бизнес субъектларининг фаоллик даражасини баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичларини таснифлаш;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида меҳнат муносабатларининг замонавий шакллари ва турларини илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ этиш;

⁵Убайдуллаева Р.А., Ата-Мирзаев О.Б., Умарова Н.О. Ўзбекистон демографик жараёнлари ва аҳоли бандлиги (илмий ўқув кўланма). – Т.: Университет, 2006; Қ.Х.Абдурахмонов. Меҳнат иқтисодиёти. Дарслик. – Т.: «ФАН», 2019; Абдурахмонов Қ.Х., Шоюсупова Н.Т. Меҳнат иқтисодиёти: Ижтимоий меҳнат муносабатлари: Дарслик. – Т.: ТДИУ, 2011; Умурзаков Б.Х. ва б. Меҳнат ресурслари шаклланиши ва таксимланишининг ҳудудий хусусиятлари. Монография. –Т.: «LESSON PRESS» 2017. 188 б.; Максакова Л.П. Узбекистан: совершенствование управления трудовой миграции в аспектах принимающих стран // V Уральский демографической форум. Россия 2014; Ш.Р.Холмўминов. Қишлоқ меҳнат бозорининг шаклланиши ва ривожланиши ҳамда уларни моделлаштириш (Монография). – Т.: «Fan va technology», 2014; З.Я.Худайбердиев ва б. Тадбиркорлик ва ишга жойлаштириш технологияси. Ўқув кўланма. – Т.: «ILMZIYO» 2016; Артыкова Д.А. Проблемы достижения равновесия на рынке труда в условиях углубления рыночных реформ. – Т.: ТГЭУ. 2006.

Самарқанд вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг ривожланиш ҳолатини таҳлил этиш;

кичик ва хусусий корхоналарда меҳнатга ёллаш шартлари ва уни ташкил этиш хусусиятларини аниқлаш;

кичик бизнес соҳасида хўжалик субъектлари ривожланишининг эконо- метрик таҳлилини амалга ошириш;

соҳада ёлланма ходимларнинг меҳнат хавфсизлигини таъминлаш шакллари тадқиқ этиш;

кичик бизнес соҳасида меҳнат муносабатларининг инновацион шакллари тартибга солиш тизимини такомиллаштириш;

кичик бизнес корхоналарида ижтимоий-меҳнат муносабатларини ривожлантиришнинг концептуал асосларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Самарқанд вилояти кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг хўжалик фаолияти олинган.

Тадқиқотнинг предметини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида меҳнат муносабатларини такомиллаштириш билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тизимли, мантиқий ва таққослама таҳлил, гуруҳлаштириш, индукция-дедукция, абстракт-мантиқий фикрлаш, статистик ва эконометрик моделлаштириш, истиқболли прогнозлаш каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

меҳнат муносабатлари тизимида кичик бизнес субъектларининг фаоллик даражасини баҳолаш тадбиркорликни ташкил этиш омили, ишлаб чиқариш- нинг техник-технологик даражаси ва ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши нисбий кўрсаткичларини эътиборга олган ҳолда такомиллаштирилган;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида ижтимоий-меҳнат муносабатларининг ижарага олинган меҳнатни тартибга солиш бўйича инно- вацион меҳнат шартномаларининг инфорсмент тизимини шакллантириш зарурати асосланган;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида ижтимоий-меҳнат муносабатларининг аналитик-ахборот базаси унинг инновацион шакллари тартибга солишнинг институционал-ташкилий ҳамда ижтимоий-иқтисодий воситаларини жорий этиш асосида такомиллаштирилган;

кичик бизнес соҳасида меҳнат муносабатларини такомиллаштиришга йўналтирилган субъектлар фаолияти самарадорлигини оширишнинг асосий кўрсаткичлари, 2021-2025 йилларда ривожлантиришнинг прогноз параметр- лари асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

кичик бизнес соҳасида ижтимоий-меҳнат муносабатларини ифодаловчи категорияларнинг мазмунига оид муаллифлик таърифи берилган;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарида меҳнатни ташкил этишнинг иқтисодий, ижтимоий ва маънавий-психологик асосларини такомиллаштириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилган;

кичик бизнес ва хусусий корхоналар ходимлари меҳнатини мотивациялашнинг самарали усуллари ишлаб чиқилган;

соҳада ёлланма ходимларнинг меҳнат малакасини ошириш асосида уларнинг сифат таркибини такомиллаштириш йўналишлари илмий жиҳатдан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертацияда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг асослангани, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, унинг ҳудудий ташкилотлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг расмий маълумотларидан фойдаланилганлиги ҳамда олинган натижалар манфаатдор вазирликлар ва идоралар амалиётида қўлланилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида меҳнат муносабатлари ривожланишининг иқтисодий механизмини такомиллаштиришга оид ишлаб чиқилган хулосалар мазкур соҳага оид методологик-услубий асосларни такомиллаштиришга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йўналишида ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялардан соҳага оид меҳнат муносабатларининг ривожланиши бўйича норматив ҳужжатлар, ривожланиш дастурларини ишлаб чиқишда ва меҳнат самарадорлигини ошириш имкониятларини очиб беришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида меҳнат муносабатларини ривожлантиришнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

кичик бизнес субъектларининг фаоллик даражасини баҳолашни такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан ҳудудларда бандлик дастурларини тайёрлашда фойдаланилган (Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2020 йил 11 февралдаги 01/00-04/00-1242-сон маълумотномаси). Таклифлардан фойдаланиш ҳудудларда янги иш ўринларини яратишда кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари имкониятларидан самарали фойдаланиш имкониятини берган;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида ижтимоий-меҳнат муносабатларининг ижарага олинган меҳнатни тартибга солиш бўйича инновацион меҳнат шартномаларининг инфорсмент тизимини шакллантириш бўйича таклифдан Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан бандлик дастурларини шакллантиришда фойдаланилган (Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2020 йил 11 февралдаги 01/00-04/00-1242-сон маълумотномаси). Ушбу

таклифдан фойдаланиш ижарага олинган меҳнатни тартибга солиш бўйича меҳнат шартномаларини кенг жорий этиш асосида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида ижтимоий-меҳнат муносабатларини такомиллаштириш имконини берган;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида ижтимоий-меҳнат муносабатларининг аналитик-ахборот базасини такомиллаштириш бўйича таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан ҳудудларда янги иш ўринларини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ривожлантириш асосида таъминлаш дастурларини тайёрлашда фойдаланилган (Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2020 йил 11 февралдаги 01/00-04/00-1242-сон маълумотномаси). Ушбу таклифдан фойдаланиш кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг ижтимоий-меҳнат муносабатлари соҳасида инновацион шаклларини кенгайтириш имконини берган;

кичик бизнес соҳасида меҳнат муносабатларини такомиллаштиришга йўналтирилган субъектлар фаолияти самарадорлигини ошириш асосий кўрсаткичларини 2021-2025 йилларда ривожлантиришнинг прогноз параметрларидан, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан, кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш концепцияси ва дастурини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2020 йил 11 февралдаги 01/00-04/00-1242-сон маълумотномаси). Мазкур прогноз параметрларидан фойдаланиш кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантириш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилиши фаолият юритаётган кичик бизнес субъектлари сонининг 23,6 %га, кичик бизнес соҳасида асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажмининг 25,4 %га ошиши имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 10 та, жумладан, республика миқёсидаги 6 та ва 4 та халқаро илмий-амалий конференцияда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан, 6 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Ишнинг умумий ҳажми 188 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари, объекти ва предмети шакллантирилган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилинганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертация ишининг **«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик шароитида меҳнат муносабатларини шакллантиришнинг назарий-методологик асослари»** деб номланган биринчи бобида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида меҳнат муносабатларининг моҳияти, мазмуни ва шаклланиш хусусиятларини тавсифловчи илмий ёндашувларни назарий жиҳатдан таҳлил этиш асосида соҳада меҳнат муносабатларига оид категорияларнинг муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган ҳамда ижтимоий-меҳнат муносабатларида кичик бизнес субъектларининг фаоллик даражасини баҳолаш усуллари таснифланган. Шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида меҳнат муносабатларининг инновацион шаклларини ривожлантириш механизмлари илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ этилган.

Ҳозирги вақтда мамлакатимиз иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ўрни ва ролининг тобора ошиб бориши, уни янада ривожлантириш ҳамда миллий иқтисодиётда ҳал қилувчи соҳага айлантириш учун ушбу соҳанинг иқтисодий мазмуни, унга таъсир этувчи омилларни назарий ва амалий жиҳатдан тадқиқ этиш талаб этади.

Ижтимоий муносабатлар турли кўринишларда намоён бўлади, аммо ҳар қандай ҳолатда у инсонларни моддий бойликлар ва неъматлар яратишдаги интилиши асосида рўёбга чиқади. Охир оқибатда бундай интилиш инсонларнинг эҳтиёжидан келиб чиқади. Аммо эҳтиёжларни ҳақиқатда қондириш ишлаб чиқариш жараёнида омилларнинг ўзаро бирикиши ва унинг натижасида яратилган моддий неъматларни тақсимлаш, алмашув ва истеъмол жараёнлари орқали амалга ошади. Демак, ушбу жараёндаги муносабатларни ижтимоий-иқтисодий муносабатлар деб аташ тўғривордир.

Ўз навбатида, бошқа барча ижтимоий муносабатлар, хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасидаги муносабатлар ҳам, иқтисодий муносабатларнинг ўзаро ички боғлиқлигини ифодалаб, ўзининг мазмуни ва намоён бўлиш шаклини ўзгартиради. Бу меҳнат муносабатлари шаклланишида эҳтиёж ва манфаатлар тавсифи, чегаралари, мақсадга йўналтирилганлигида ўз ифодасини топади.

Корхонада «меҳнат муносабатлари» тушунчаси ижтимоий субъект сифатида унинг яхлит ҳаётини фаолияти соҳасидаги хусусиятларини, корхона персонали ҳаётини фаолиятини, уларнинг турмуш тарзи ва сифатини қамраб олувчи умумлаштирувчи ижтимоий-иқтисодий тушунчадир.

Мехнат муносабатлари – бу ходим ва иш берувчи ўртасида зарурий шарт-шароитлар асосида, уларнинг манфаатлари уйғунлигини таъминлаган ҳолда ходим томонидан меҳнат функциялари ва вазифаларини бажариши юзасидан шартнома асосидаги келишув натижасида пайдо бўладиган муносабатлардир. Мехнат муносабатлари соҳаси кўп қиррали, мураккаб ва динамик таркибий тузилмага эга бўлиб, бу тузилма инсон яшаётган ижтимоий муҳитда бир қатор ўзаро боғлиқликдаги ва алоқадорликдаги харажатлар билан тавсифланади.

Тадбиркорликнинг ривожланиш стратегияси ва тактикасини ишлаб чиқишда унинг фаоллиги инвестицион, маркетинг, иқтисодий, ташкилий-бошқарув, молиявий, ижтимоий йўналишлари бўйича таснифланди.

Мехнат муносабатлари тизимида кичик бизнес субъектларининг фаоллик даражасини тадбиркорликни ташкил этиш омили, ишлаб чиқаришнинг техник ва технологик даражаси ҳамда худудни ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг нисбий кўрсаткичлари таснифини шакллантириш орқали баҳолаш методикаси такомиллаштирилди.

Тадбиркорлик фаолиятининг сифат даражаларини унинг иқтисодий нафтлилик ҳолати ва даражасини микдорий ўлчаш йўли билан аниқлаш мақсадга мувофиқдир. Шунинг учун, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг фаолият кўрсаткичлари тадбиркорликнинг иқтисодий салоҳияти, тадбиркорликнинг молиявий барқарорлиги, соҳада рақобатбардошликни баҳолаш, бозордаги фаоллиги, ижтимоий фаоллик йўналишлари бўйича гуруҳланди.

«Инновацион» меҳнат муносабатлари мазмунининг контекстида ижтимоий-иқтисодий самарани олиш имконияти билан меҳнат фаолиятининг янги шарт-шароитларига тезда мослашиш доимий янгиланишини ифодалайди. Мехнат муносабатларининг тадрижий ривожланиш таҳлили қуйидаги ҳолатларни тасдиқлайди. Биринчидан, уларнинг субъектлари сифати ва ўзаро муносабатларидаги ўзаро таъсир ўзгаради. Иккинчидан, меҳнат муносабатларининг предмети (анъанавий предметлар доирасида у ёки бу меҳнат муносабатлари субъектлари учун турли хил аҳамиятга эга) мураккаблашади. Учинчидан, кўпчилик ҳолатларда табақалашини ажратиш мумкин. Туртинчидан, меҳнат муносабатларининг профили мураккаблашади. Бешинчидан, меҳнат муносабатлари ташкилий таркибидаги анъанавийликнинг ривожланиши ва янги институтларнинг пайдо бўлиши. Олтинчидан, жамиятда иқтисодий жараёнларга меҳнат муносабатлари таъсирининг кучайиши ва иқтисодиёт модернизациялашининг тезлашиши.

Мехнат муносабатлари инновацион шакллариининг ривожланиши турли хил омиллар таъсири остида содир бўлади. Мехнат муносабатларининг инновацион шакллари ривожланишининг асосий омиллари бўйича таснифи ишлаб чиқилди (1-жадвал).

Мехнат муносабатларининг янги шаклларида ишчилар ва иш берувчиларни танлашга уларнинг таъсирини аниқлаш хусусиятлари ва мазкур омиллар таҳлили тартибга солувчи таъсирнинг аниқ чораларини ишлаб чиқиш учун зарур. Таъкидлаш керакки, келтирилган омиллар гуруҳи меҳнат муносабатлари субъектларининг ўзларига, уларнинг феъл-атвор моделига,

қарорларига, кадриятларига ҳам, уларнинг ўзаро муносабатлари шаклига ҳам таъсир кўрсатади.

1-жадвал

Ижтимоий-меҳнат муносабатларининг инновацион шаклларига таъсир этувчи омиллар⁶

Омиллар таъсири учун асос	Омиллар гуруҳи	Омиллар
Мазмуни бўйича	1. Иқтисодий 2. Технологик 3. Институционал 4. Ижтимоий-маданий 5. Бошқарув	1. Глобаллашув, рақобат. 2. ИТТ, технологик инновациялар. 3. Ижтимоий-меҳнат муносабатларининг шаклланиши ва бошқариш соҳалари, нормалар, қоидаларга таъсир этувчи илмий-техник, молиявий, инвестицион, ижтимоий усуллар ва таъсир этиш чоралари. 4. Ижтимоий-меҳнат муносабатларига турли хил мамлакатлар ва маданиятларнинг муносабатлари, кадриятлари ва анъаналари. 5. Бошқарув ғоялари, инновациялар.
Табиати бўйича	1. Ташқи 2. Ички	1. Глобаллашув, геосиёсат, макро-иқтисодий сиёсат, ижтимоий сиёсат, халқаро рақобат, ИТТ ва б. 2. Фирманинг ички ривожланиш концепцияси, ижтимоий-маданий омиллар, меҳнат жамоалари анъаналари, фаолият соҳалари, ташкилотнинг ҳаётийлик даври ўлчови, босқичлари, бошқарув хусусиятлари, ташкилотнинг молиявий барқарорлиги, раҳбарият услуги, меҳнатга ҳақ тўлаш тизими ва б.
Таъсир кўрсатиш характери бўйича	1. Рағбатлантирувчи 2. Чекловчи 3. Нейтрал	1. Технологик инновациялар, бошқарув инновациялари, ижтимоий-маданий омиллар, глобаллашув ва б. 2. Институционал, ижтимоий-маданий, техник, маданий омиллар. 3. Мулкни реструктуризациялаш, ижтимоий-маданий омиллар.
Тартибга солиш даражаси бўйича	1. Ижтимоий-меҳнат муносабатлари субъектлари томонидан тартибга солинадиган 2. Ижтимоий-меҳнат муносабатлари субъектлари томонидан тартибга солинмайдиган	1. Иқтисодий, бошқарув, ташкилий, техник, ижтимоий-маданий ва б. (Институционал омиллар турли даражаларда турлича тартибга солинади). 2. ИТТ, ижтимоий-маданий омиллар, демографик, глобаллашув, табиий.
Таъсир этиш даражаси бўйича	1. Макродаража 2. Мезодаража (тармок, ҳудуд) 3. Микродаража (ташкilot) 4. Нанодаража (индивид)	

Ўз навбатида, меҳнат муносабатларининг янги шакллари ривожланиши нуқтаи назаридан иқтисодий омиллар ҳам ташқи ва ички, ҳам рағбатлантирувчи ва нейтрал бўлиши мумкин. Энг аҳамиятли омиллар –

⁶ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

бошқарув инновациялари, технологиялар, иқтисодий, ижтимоий-маданий, глобаллашув омиллари ҳисобланади.

Меҳнат муносабатларининг инновацион шакллари таҳлилида шуни ҳисобга олиш керакки, бозор иқтисодиётида бундай турдаги янгиликлар меҳнат муносабатлари субъектлари томонидан қабул қилиниши зарур. Айнан фирмада ёки фирма ташқи бозорда меҳнат муносабатлари шакллариининг инновационлиги ўзининг ижтимоий-иқтисодий мақсадга мувофиқлигига эга бўлади. Ишчилар ва иш берувчилар муносабатлари воситасида тижорат жиҳати меҳнат бозори эҳтиёжлари орқали ифодаланган иқтисодий зарурат сифатида меҳнат соҳасида инновациялардан фойдаланишни аниқлаш имконини беради (2-жадвал).

2-жадвал

Меҳнат муносабатлари инновацион шакллариининг асосий тавсифи⁷

Тавсифи	Ижарага олинган меҳнат	Меҳнат муносабатларининг масофавий шакли
Меҳнат муносабатларининг муҳим ўзаро таъсир кўрсатувчи томонлари сони	3 (ишчи – хусусий бандлик агентлиги – корхона)	2 (ишчи ва иш берувчи)
Ўзаро муносабатларнинг мазкур шаклига талаб омиллари	Конъюнктурали	Технологик, таркибий, иқтисодий, ижтимоий-маданий
Иқтисодий цикл билан алоқа	Иқтисодий цикл босқичлари билан аҳамиятли алоқа	Аҳамиятсиз
Ижтимоий-меҳнат муносабатлари предметидаги ўзгаришлар	Микдорий ўзгаришлар (иш вақти, ишчилар сонининг ўзгариши)	Сифат ўзгаришлари (меҳнатни ташкил этиш, фирма ичидаги муносабатлар)
«Ишчи-иш берувчи» тизимида баланс	Иш берувчи фойдасида номуносивлик	Кўпинча иш берувчи фойдасида номуносивлик
Институционал тартибга солиш	Ўзбекистонда етарли даражада мавжуд эмас. Шартномаларнинг икки тури (ишчи ва хусусий бандлик агентлиги ўртасида; хусусий бандлик агентлиги ва буюртмачи ўртасида).	Ўзбекистонда комплекс тартибга солиш мавжуд эмас. Меҳнат Кодексида иш билан бандликни таъминлашнинг эгилувчан шакллариининг етарлича акс этмаганлиги.

Ахборот-коммуникация технологиялари иш берувчилар учун иш вақтини, шунингдек, топшириқни бажариш муддатини пухта аниқлаш имконини берди. Бунинг натижасида улар ишлаб чиқариш топшириғи учун амалда талаб қилинадиган вақтни ҳисобга олган ҳолда, ходимларни ишга ёллаш имкониятига эга бўладилар. Бундан ташқари, янги технологиялар турли ходимларни қисқа муддатга ишга ёллаш билан боғлиқ анъанавий харажатларни бартараф этишга ҳам хизмат қилади. Чунки ушбу технологиялар ёрдамида зарур бўлган меҳнат ресурслари сонини ҳисоблаб

⁷ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

чиқиш ва бунинг асосида ишга ходимларнинг зарур миқдорини жалб этиш ва улар иш ҳақини аниқ ҳисоблаб чиқиш имконияти пайдо бўлади.

Диссертация ишининг «Самарқанд вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида меҳнат муносабатларининг шаклланиш ҳолати ва кўрсаткичлари таҳлили» деб номланган иккинчи бобида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг ривожланиш ҳолати таҳлил этилиб, соҳа корхоналарида меҳнатга ёллаш шартлари ва уни ташкил этиш хусусиятлари аниқланган ҳамда кичик бизнес соҳасида хўжалик субъектлари ривожланишининг эконометрик тадқиқоти амалга оширилди.

Ҳозирги вақтда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари миллий иқтисодиётимизнинг барча соҳа ва тармоқларига кириб бормоқда. Бу ҳолат меҳнат бозорига таклифни ўрганиш учун анъанавий методологик ёндашувдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ эмаслигидан далолат беради.

3-жадвал

Самарқанд вилоятида кичик бизнес соҳасининг иқтисодий кўрсаткичлари⁸


Кўрсаткичлар	2010 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2010-2019 й.й.да ўсиш, %
Кичик бизнес соҳасида яратилган ялпи маҳсулот ҳажми, млрд. сўм	2925,1	8762,8	11737,0	14325,8	17485,6	29135,3	10,0 марта
Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯХМдаги улуши, %	73,6	77,9	78,0	78,2	80,0	77,5	105,3
Кичик (бизнес) корхоналарида ўртача солиқ юки, %	21,9	21,5	21,4	21,3	21,3	21,3	-
Фаолият юритаётган кичик бизнес субъектлари сони, бирлик;	10689	13840	13981	16005	20669	25643	2,4 марта
Асосий капиталга инвестицияларда кичик бизнеснинг ҳажми, млрд.сўм	362,8	1297,1	1315,5	1356,2	5746,9	6106,3	16,8 марта
Кичик тадбиркорлик соҳасида банд бўлганлар, (минг киши)	1009,0	1213,9	1254,6	1298,7	1300,2	1345,8	133,4
кичик бизнес соҳасида меҳнат унумдорлиги, (минг сўм)	2899,0	7218,7	9355,2	11030,9	13006,8	14826,4	5,1 марта
Кичик бизнес субъектлари экспорти ҳажми, (млн. доллар)	66,6	272,5	278,2	295,4	257,4	298,5	4,5 марта

3-жадвалда келтирилган маълумотларга кўра, кичик бизнес соҳасида яратилган ялпи маҳсулот ҳажми 2010-2019 йилларда 10,0 мартага ошган.

⁸ Манба: Самарқанд вилояти Давлат статистика Бош бошқармаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

Самарқанд вилоятида таҳлил этилаётган йиллар мобайнида фаолият юритган кичик бизнес субъектлари сони 2,4 мартага, асосий капиталга инвестицияларда кичик бизнеснинг ҳажми 16,8 мартага, кичик тадбиркорлик соҳасида банд бўлганлар сони 33,4 %га, меҳнат унумдорлиги 5,1 мартага, экспорт ҳажми эса 4,5 мартага ошган.

Меҳнат бозорининг ўрганилганлик даражаси таҳлили шундан далолат берадики, республикамизнинг кўпчиллик олимлари аҳолининг бандлиги масаласини ҳал этишда кичик ишлаб чиқарувчиларнинг макроиктисодий функциясидан келиб чиқади. Корхона даражасида меҳнат муносабатлари масаласига, хусусан, кичик корхоналарда ишчи кучини ёллаш хусусиятларига кам эътибор берилган, шунини эътироф этиш жоизки, кичик корхоналарда меҳнат бозорининг хусусиятлари бир қатор омиллар билан белгиланади. Бу омиллар иқтисодий қонунлар ҳаракати орқали шаклланади (яъни рақобат, талаб ва таклиф нисбати, меҳнат ўзгарувчанлиги, аҳоли моддий шароитини яхшиланиши кабилар) ва кичик бизнес соҳасида меҳнат муносабатларининг марказлашмаган бошқарувида намоён бўлади.



1-расм. Самарқанд вилоятида жами иш билан бандлар таркибида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида банд бўлганлар улуши⁹, %

Бу хусусиятларни белгиловчи омиллар қуйидагилардан иборат:

- яхши ишловчиларни жалб этиш учун иш берувчилар ўртасида икки даражали рақобат, биринчиси, рақобатдаги кичик корхоналар (фирмалар) ўртасида ва иккинчиси, кичик бизнес ва йирик бизнес субъектлари ўртасидаги рақобат;

- кичик корхоналарда раҳбарлик лавозимининг чегараланганлиги учун рақобат даражасининг пастлиги;

- ишчи кучи захираларидан (яъни кичик корхона эгасининг оила аъзоларидан) фойдаланиш ҳисобига ёлланма ишчи кучига талабни бошқариш имкониятининг катталиги;

⁹ Манба: Самарқанд вилояти Давлат статистика Бош бошқармаси маълумотлари асосида ҳисобланган.


- меҳнат бозори конъюктурасининг ўзгаришларига кичик корхоналар тез мослашишини таъминлаш учун яхши шароитларнинг мавжудлиги;
- кичик корхона ичида мансаб лавозимлари чекланганлиги сабабли меҳнат ўзгариш қонуни амал қилиши учун шароитларнинг пастлиги.

Кичик корхоналар учун турли ёшдаги барча мутахассислар талаб этилади. Шунинг учун ҳам корхона (фирма) даражасида меҳнат муносабатларини ташкил этиш учун, биринчи навбатда, иш берувчи корхонанинг қайси тармоққа тегишлилиги эмас, балки ушбу корхонада умумий меҳнат хусусиятларини инобатга олиш лозим.

2019 йил май-июнь ойларида диссертация муаллифи Самарқанд вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида меҳнат муносабатларини такомиллаштириш мақсадида унда ишловчи ишчи-ходимлар билан социологик сўров ўтказди.

Иқтисодийни модернизациялаш шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида меҳнат муносабатларини такомиллаштириш бўйича ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан асосланган таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқиш аниқ социологик тадқиқотлар ўтказишнинг асосий мақсади ҳисобланади.

Респондентлар билан ўтказилган социологик сўров натижаларига кўра, «Сизнингча, ёлланган ишчи учун иш билан бандликнинг бундай шаклининг асосий камчилиги нималардан иборат?» - деган саволга уларнинг «меҳнат ва ижтимоий ҳуқуқнинг етарлича ҳимояланмаганлиги» (54,0 %), «бекарор иш билан бандликнинг мавжудлиги», «даромадлиқ даражасининг паст даражада эканлиги» ва «пенсия жамғармасига ажратмаларнинг мавжуд эмаслиги» (13,0 %), ва «профессионал рискнинг юқорилиги» (7,0 %) деб ўз фикрларини билдиришган. Жинслар кесимида бу саволга респондентлар қуйидагча жавоб берганлар (2-расм):



2-расм. Ёлланган ишчи учун ижарага олинган меҳнатнинг асосий камчилиги бўйича берилган жавоблар¹⁰

¹⁰ Муаллиф томонидан тузилган. 601-«меҳнат ва ижтимоий ҳуқуқнинг етарлича ҳимояланмаганлиги», 602-«бекарор иш билан бандликнинг мавжудлиги», 603-«даромадлиқ даражасининг паст даражада эканлиги», 604-«пенсия жамғармасига ажратмаларнинг мавжуд эмаслиги», 605-«профессионал рискнинг юқорилиги».

Социологик сўров натижаларига кўра, «Сизнингча, ишчига меҳнат муносабатларининг ушбу шакли қандай афзалликларни беради?» - деган саволга респондентларнинг «иш тажрибасини олиш имконияти (шунингдек, узоқ муддатли танаффусдан кейин дастлабки иш тажрибаси)» (50,0 %), «ўқиш жараёни билан биргаликда олиб бориш имконияти» (17,0 %), «мустақил иш излаш заруратининг мавжуд эмаслиги – бандлик агентлиги иш лойиҳаларини Сиз учун излайди» (17,0%), «иктисодиётдаги таркибий ўзгаришлар шароитида ишсиз эмас, балки иш билан банд бўлиш имкониятларининг мавжудлиги» (13,0%) ва «жавоб беришга қийналаман» (3,0%) деб ўз фикрларини билдиришган. Иккала жинслар кесимида бу кўрсаткичга респондентлар қуйидагича жавоб берган (4-жадвал):

4-жадвал

Ижарага олинган меҳнатнинг афзалликлари¹¹

Кўрсаткичлар	Эркаклар	Аёллар	Иккала жинс
Иш тажрибасини олиш имконияти (шунингдек, узоқ муддатли танаффусдан кейин дастлабки иш тажрибаси)	60,0%	30,0%	50,0%
Ўқиш жараёни билан биргаликда олиб бориш имконияти	10,0%	30,0%	17,0%
Мустақил иш излаш заруратининг мавжуд эмаслиги – бандлик агентлиги иш лойиҳаларини Сиз учун излайди	25,0%	-	17,0%
Иктисодиётдаги таркибий ўзгаришлар шароитида ишсиз эмас, балки иш билан банд бўлиш имкониятларининг мавжудлиги	5,0%	30,0%	13,0%
Бошқа фикрлар	-	10,0%	3,0%

Кичик бизнес соҳасида хўжалик субъектлари ривожланишининг эконометрик таҳлили иктисодий-математик усуллар воситасида мураккаб ижтимоий-иктисодий ҳодисаларнинг боғлиқлик кучини аниқлаш, уларда амал қиладиган қонуниятларни аниқлаш ва тажриба орқали тадқиқ этиш имконини беради.

Кичик бизнес соҳаси субъектлари фаолиятининг ривожланишини корреляцион-регрессион таҳлил усуллари ёрдамида таҳлили натижасида омиллар орасидаги боғлиқлик кучини аниқлаш ҳамда соҳа корхоналарида ижтимоий-меҳнат муносабатларини ривожлантириш, пировардида эса, меҳнат самарадорлигига эришиш йўналишлари аниқланади. Бунда модель тузилишининг энг муҳим босқичи натижавий, башорат қилинган кўрсаткичнинг танлаб олинган омилларга боғлиқлигини тавсифловчи эконометрик ифодани танлашдан иборатдир. Моделнинг статистик танланмасига республиканинг 2005-2018 йиллар давомидаги ижтимоий-иктисодий ривожланишининг тегишли макроиктисодий ва меҳнат бозорининг ижтимоий-иктисодий кўрсаткичлари киритилди. Бу жараёнда натижавий кўрсаткич ҳисобланган «кичик бизнес соҳасида яратилган ялпи

¹¹ Муаллиф томонидан тузилган.

маҳсулот ҳажми»га танланмага киритилган омилларнинг таъсир этиш даражаси аниқланди.

Самарқанд вилоятида кичик бизнес соҳасида яратилган ялпи маҳсулот ҳажмига таъсир этувчи омиллар таҳлили орқали ишлаб чиқилган (жадвалда келтирилган) моделда F- Фишер мезонининг ҳақиқий қиймати $F_{\text{ҳақиқий}}=35,014$, шунингдек, эркинлик даражалари сони сурат бўйича $\gamma_1=4$ ва махраж бўйича $\gamma_2=8$ га тенг бўлганда, Фишер мезонининг жадвал қиймати (моҳиятлик даражаси $p=0,95$ да) учун $F_{\text{жадвал}}=3,84$. Демак, ҳосил қилинган кўп омилли регрессия тенгламамиз аҳамиятли ҳисобланади (5-жадвал).

5-жадвал

Моделнинг сифати ва аҳамиятини текшириш мезонлари¹²

Кўп омилли корреляция коэффициенти R	Кўп омилли детерминация коэффициенти R-квадрат	Корректлаштирилган R-квадрат	Баҳолашнинг стандарт хатоси	F-ҳақиқий	P-қиймат
0,973	0,946	0,919	1235,56121	35,014	$4,07 \cdot 10^{-5}$

Демак, регрессия тенгласига киритилган омиллар юқори аҳамиятли, аҳамиятли, нисбатан аҳамиятли ва аҳамиятсиз ҳисобланади. Таҳлил натижаларидан келиб чиқиб, моделimizга киритилган юқори аҳамиятли ва аҳамиятли омилларни алоҳида ажратиб кўрсатдик (6-жадвал).

6-жадвал

Чизикли регрессион моделга киритилган аҳамиятли омиллар¹³

	Стандартлаштирилмаган коэффициентлар		Стандартлаштирилган коэффициентлар	t-мезон	P-миқдор
	B	Стандарт хато	Бета		
(Константа)	-16588,546	7180,815		-2,310	0,050
X ₁	6,535	74,357	0,012	0,088	0,932
X ₃	-402,135	314,045	0,218	1,281	0,236
X ₅	1,020	0,498	0,429	2,049	0,075
X ₆	5,897	2,209	0,716	2,669	0,028

Ишлаб чиқилган чизикли регрессия модели қуйидаги кўринишга эга:

$$Y = -16588,546 + 6,535 \times X_1 + 402,135 \times X_3 + 1,020 \times X_5 + 5,897 \times X_6, (1)$$

Шундай қилиб, натижавий кўрсаткич «Кичик бизнес соҳасида яратилган ялпи маҳсулот ҳажми»га «кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯХМдаги улуши, (%)», «марказий банк томонидан ўрнатилган қайта молиялаштириш ставкаси, %», «фаолият юритаётган кичик бизнес субъектлари сони, бирлик», «асосий капиталга инвестицияларда кичик бизнеснинг ҳажми, млрд.сўм» каби омилларнинг таъсири аҳамиятлидир. Ушбу омилларнинг натижавий кўрсаткичга таъсирини қуйидагича изоҳлаш мумкин: кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯХМдаги улуши (X₁)нинг 1,0 фоизга ошиши кичик бизнес соҳасида яратилган ялпи маҳсулот ҳажмининг 6,535 фоизга ошишига олиб келади;

¹² Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

¹³ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

марказий банк томонидан ўрнатилган қайта молиялаштириш ставкаси (X_3)нинг бир фоизга ошиши кичик бизнес соҳасида яратилган ялпи маҳсулот ҳажмининг 402,135 млн. сўмга камайишига олиб келади; фаолият юритаётган кичик бизнес субъектлари сони (X_5)нинг бир фоизга ошиши кичик бизнес соҳасида яратилган ялпи маҳсулот ҳажмининг 1,020 фоизга ошишига олиб келади; асосий капиталга инвестицияларда кичик бизнес ҳажми (X_6)нинг бир фоизга ошиши кичик бизнес соҳасида яратилган ялпи маҳсулот ҳажмининг 5,897 фоизга ўсишига олиб келади.


Юқорида келтирилган эконометрик модель (1) ёрдамида истиқбол функцияларини тузишда Самарқанд вилояти бўйича 2005-2017 йиллардаги статистик маълумотлардан фойдаланиб, кичик бизнес соҳасида яратилган ялпи маҳсулот ҳажмига таъсир этувчи омиллар X_1 , X_3 , X_5 , ва X_6 учун истиқбол моделлари рўйхати ҳосил қилинди

Диссертация ишининг «**Кичик ва хусусий корхоналарда меҳнат муносабатларини ривожлантиришнинг концептуал асослари ва йўналишлари**» деб номланган учинчи бобда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида меҳнат муносабатларининг инновацион шакллари ривожлантириш ва тартибга солиш ҳамда кичик бизнес корхоналарида меҳнат муносабатларини ривожлантиришнинг концептуал йўналишлари бўйича таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Меҳнат муносабатларининг инновацион шакллари тартибга солишнинг асосий тамойиллари ишлаб чиқилди. Шундай қилиб, илмийлик, тартибга солишда устувор йўналишларни аниқлаш, тартибга солишнинг стратегик ва тактик мувофиқлиги, тежамкорлик, очиклик, тартибга солишнинг эгилувчанлиги, ахборотлар билан таъминлаш, селективлик каби тамойилларга асосланиши кичик бизнес соҳасида меҳнат муносабатларини самарали ривожлантириш имкониятини яратади.

Меҳнат муносабатларининг инновацион шакллари тартибга солиш механизмнинг таркибида институционал-ташкилий, ижтимоий-иқтисодий ва ахборот-аналитик таркибий қисмларини ажратиш ҳамда меҳнат муносабатларининг инновацион шакллари тартибга солишнинг муайян воситаларини аниқлашдан иборат:

